

КЛАСТЕРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АГРАР СОҲА ИҚТИСОДИЁТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

Ильмуратов Шовкат Махсумович

Астрахан давлат техника университетининг

Тошкент вилоятидаги филиали

ORCID: 0009-0009-2746-4634

shovkat.elmurodov@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада ғаллачилик кластерларини ташкил этиши ва ривожлантиришнинг илмий-услубий, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий таъминоти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Кластер турларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари асосида кластерлаштириш мезонлари ва кластерларнинг турлари ёритилган. Минтақавий ва ҳудудий ғаллачилик кластерларини ташкил этишининг кўп босқичли алгоритми таклиф этилган. Шунингдек, ғаллачилик кластерини ташкил этиши жараёнига тўсқинлик қиласидан асосий муаммолар таҳлил қилинган ва уларни бартараф этиши бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: ғаллачилик, агрокластер, диверсификация, аграпр сектор, рақобатбардошлиқ, инновациялар, иқтисодий самарадорлик.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КЛАСТЕРИЗАЦИИ И ЕГО РОЛЬ В ДИВЕРСИФИКАЦИИ АГРАРНОЙ ЭКОНОМИКИ

Ильмуратов Шовкат Махсумович

Филиал Астраханского государственного технического
университета в Ташкентской области

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы, связанные с научно-методическим, нормативно-правовым и организационно-экономическим обеспечением создания и развития зерновых кластеров. На основе результатов изучения и анализа видов кластеров раскрыты критерии кластеризации и типы кластеров. Предложен многоэтапный алгоритм создания региональных и территориальных зерновых кластеров. Также проанализированы основные проблемы, препятствующие процессу создания зерновых кластеров, и даны рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: зерноводство, агрокластер, диверсификация, аграрный сектор, конкурентоспособность, инновации, экономическая эффективность.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF CLUSTERIZATION AND ITS ROLE IN THE DIVERSIFICATION OF THE AGRICULTURAL ECONOMY

Ilmuratov Shovkat Makhsumovich

Branch of Astrakhan State Technical University in Tashkent region

Annotation. This article addresses the issues related to the scientific-methodological, regulatory-legal, and organizational-economic support for the establishment and development of grain clusters. Based on the results of studying and analyzing types of clusters, the criteria for clustering and types of clusters are outlined. A multi-stage algorithm for the creation of regional and territorial grain clusters is proposed. The main problems hindering the process of establishing grain clusters are also analyzed, and recommendations for their elimination are provided.

Keywords: Grain production, agrocluster, diversification, agricultural sector, competitiveness, innovations, economic efficiency.

Кириш.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ғаллачилик етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда тармоқни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимиз Мирзиёев (2021) раислигида 2021 йил 27 октябрь куни қишлоқ хўжалигига кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида, 2022 йилдан ғаллачилик кластерлари ва фермерларга буғдойни бозор нархидаги тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилишини маълум қилди. Шунингдек, кластер ва фермер хўжаликлари 3 йил давомида ҳар гектардан 2,5 тонна ғаллани биржа савдоларига чиқариши талаб этилади. Қолган ҳосилни эса тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилиши (Мирзиёев, 2021) таъкидланди. Бундай улкан, кенг қамровли ва масъулиятли вазифаларни рўёбга чиқариш улар ечимида концептуал ёндашувларни тақазо этмоқда. Аграр соҳа иқтисодиётини модернизациялаш шароитида, хусусан ғаллачилик кластерларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илмий-услубий, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий таъминоти; самарадорлигини баҳолашнинг интеграл мезонларини шакллантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Мамлакатимизда ғаллачилик иқтисодиётининг илмий-услубий асосларини яратиш бўйича маълум ишлар амалга оширилган. Лекин, бевосита ғаллачилик тармоқини кластерлашнинг юқорида таъкидланган муаммоли масалалари комплекс ва тизимли тадқиқ қилинмаган.

Адабиётлар шарҳи.

Кластерлашнинг афзалликлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ибтидоси узоқ ўтмишга бориб тақалади, аммо ўтмишда айнан кластер атамаси қўлланилмасада, олимлар томонидан жараён сифатида баён қилинган. Кейинчалик, кластер тўғрисидаги дастлабки илмий ишлардан бири буюк иқтисодчи Альфред Маршаллнинг (1980) «Иқтисодиёт принциплари» асари ҳисобланади. Унда Буюк Британиянинг саноат районлари тадқиқ қилиниб, фирмалараро меҳнат тақсимотининг ривожланиши билан ҳақиқий кластер кўриб чиқилган. Ўша даврдаёқ кичик фирмаларнинг бирлашиши ва ихтисослашганлигининг чуқурлашувидан вужудга келган синергетик самарадорлик тан олинган.

Орадан йиллар ўтиб, иқтисодиётда кластерлаш жараёнлари жадал ўрганила бошланган. Мазкур масалага қизиқишлиарнинг ортиб бориши ва бу борадаги мунозаралар муҳокамаларининг натижалари ўлароқ, кластерлаш назариясига ҳар хил ёндашувлар шаклланди. Масалан, Е. Даҳмен, Е. Лимер, М. Порттер, И. Толенадо, Д. Солье, В. Фельдман ёндашувлари шулар жумласидандир. Хусусан, В.Фельдманнинг илмий ишларида кўплаб мамлакатларда диверсификациялаш шакллари тадқиқ қилинган



(Feldman, Audretsch, 1999). Бу тадқиқотлар иқтисодиётни диверсификациялашнинг кластерлар вужудга келишига сўзсиз таъсирини қўрсатди. Биринчи навбатда диверсификациялаш механизмида инновацион кластерлар вужудга келиб, кластерга кирувчи фирмалар рақобатбардошлигини оширади.

Кластер атамасига келадиган бўлсак, иқтисодиётга оид илмий ва ўқув-услубий манбаларда бу тушунчага жуда кўплаб таърифлар берилган.

Жумладан, Портер (1993) фикрига кўра: «кластер – бу географик минтаقا доирасида кузатувчи тармоқ тури бўлиб, унда фирма ва ташкилотларнинг яқин жойлашиши маълум умумийлик шаклларини таъминлайди ва улар ўзаро таъсир қўрсатишининг тезлиги ва кучини оширади».

Райзберг, Лозовский, Стародубцевалар (2010) «кластер – гурухнинг бирлигини ташкил этадиган ўхшаш объектлар ва бир хилдаги элементларнинг тўплами» деб ҳисоблайдилар.

Кетелснинг (2013) фикрича, «кластер – бу ўзаро боғлиқ бўлган компаниялар ва ташкилотлар гуруҳи бўлиб, иқтисодий ихтинослашганлигини намоён этган ҳолда ўзининг яқин жойлашганлигидан манфаат кўради».

Бу атамани Балашова (2004) қуйидагича таърифлаган: «Кластер – бу ўзаро боғлиқ фирмалар, ташкилотлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқлар тизими бўлиб, уларнинг бир бутун ҳолдаги аҳамиятлилиги (*самарадорлиги* – И.Ш.) таркибий қисмлари (*самарадорлиги* – И.Ш.) нинг оддий йиғиндисидан юқори ва синергетик самара беради».

Кенжегузин, Днишев, Альжановалар (2005) «кластер – бу ихтинослашган мол етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг технологик занжири билан боғланган корхоналарнинг худудий концентрациялашув учун хизмат қиласидан база билан мажмуйи».

Мигранян (2002) кластер деганда «иқтисодий фаолиятнинг энг рентабелли ва ўзаро боғлиқ турларининг концентрациялашуви, яъни давлат иқтисодиётининг олтин (ғарб талқинида) «diamond» - бриллиант) бирлашмасини ташкил этадиган самарали рақобатлашувчи фирмаларниг ўзаро боғлиқ ва тармоқ, миллий ва жаҳон бозорида юқори рақобатли позицияни таъминлайдиган тўплами».

Николаев ва Егоровалар (2006) кластерни олдин мавжуд бўлган ишлаб чиқариш комплексларидан синергетик самара белгиси бўйича ажратиб оладилар.

Печаткин ва Гаймалова (2009) кластерни географик ва технологик ўзаро боғлиқ, лекин рақобатлашувчи корхоналар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар гуруҳи сифатида тавсифлаб, улар узлуксиз инновацион жараёнлар асосида энг юқори стандартларга мос келадиган ва шу билан бирга ўзаро рақбаотбардошликни оширишга қўмаклашадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳсус хизматлар кўрсатиш ҳамда уларни сотиш учун бирлашади, бозорда салмоқли улушни эгаллаиди ёки эгаллашга лаёқатли бўлади.

Митенев ва Гульй маълумотларига кўра, биринчи марта кенг миқёсли кластерлаш дастурлари АҚШда 1970-80 йилларда, Данияда 1989-90 йилларда, Австрия, Буюкбритания ва Японияда 1990 йилларнинг биринчи ярмида, Финляндия ва Францияда 1995 йиллардан вужудга келган. 1993 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш департаменти (UNIDO) Хусусий секторни ривожлантириш бўлинмаси (Private Sector Development Branch) ёрдамида Европа хусусий бизнесининг ўзаро таъсирини таъминлайдиган ва кластерларни ривожлантириш дастурларини ҳамда кичик корхоналар тармоқларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда Европа мамлакатларининг ҳукуматларига ёрдам берадиган тавсиялар тўплами тайёрланган.

ХХ аср 90-йилларининг охиридан бошлаб Евроиттифоқда интеграциялашувнинг долзарб йўналишлари тўғрисида қонунчилик («Европада иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларация», 1997 й.) даражасида тўхталиниб, унинг асоси кластерлар негизидаги янги ишлаб чиқариш тизимларини шакллантиришдан иборат



бўлган. Ҳозирги вақтда Евроиттифоқ кластер ёндашувини мамлакат тармоқлари ва минтақаларининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий усули сифатида қарамоқда (Сердобинцев, Съемщикова и др., 2012).

Ривожланган хориж мамлакатларининг тажрибалари тасдиқлашича, агросаноат мажмуйи кластер тузилмаси билан уйғунлашган ҳолда самарали фаолият кўрсатади. АҚШ ва Канадада ғаллачилик кластерлари, Данияда сутчилик кластерлари, Швейцарияда пишлоқчилик кластерлари, Францияда коняк-виночилик кластерлари, АҚШнинг Калифорния штатида виночилик кластерлари ўзларининг самарадорлиги ва рақобатбарбошлигини кўрсатмоқдалар.

Доржиеванинг (2011) фикрига кўра: «Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётини кластерлаш ўзларининг худудларини оқилона ташкил этиш ҳисобига уларнинг ишлаб чиқариши ва рақобатбардошлигини оширишга имкон берган. Шундай қилиб, кластерлаш корхоналар инновацион фаолиятининг истиқболли йўналишларига киради, дейиш мумкин».

Кластер самарадорлигининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳар хил тармоқлар мисолида мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, Рахматов ва Зариповлар (2018): ««Кластер» атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси «боғлам» «гуруҳ» «тўплаш» маъноларини беради» деб таърифланган, улар томонидан асосан пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти тадқиқ қилинган.

Агрокластер – бу иқтисодий ва худудий яқин жойлашган корхоналар бирлашмаси бўлиб, умумий ривожланишга ва улардан ҳар бирининг рақобатбардошлиги ўсишига ёрдам беради³³.

Файзиев (2022) мойли экинлар маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш кластери, Айтимбетов (2023) Ўзбекистоннинг шимолий минтақасида кўл-ховуз балиқчилик кластерини шакллантириш ва ривожлантириш, Розиқов (2023) томонидан мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилиниб, тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Норматив-ҳуқуқий, илмий ва ўқув-услубий манабаларда «кластер» тушунчасига берилган таърифлар шарҳларини яна давом эттишимиз мумкин.


Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида аввало умумий методологик асос сифатида диалектика; илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, индуктив-дедуктив, абстракт-мантиқий методлар, қиёслаш каби назарий умумилмий методлардан фойдаланилди. Умумилмий эмпирик методлардан эса, илмий ва қомусий манбаларни шарҳлаш, кузатиш ва ретроспектив таҳлил усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Кластерлар турларини ҳар хил тадқиқ ва таҳқиқ қилиш натижаларини умумлаштириб, уларнинг дастлабки умумий туркумланишини тақдим этамиз. Ушбу туркумлашга таяниб айтишимиз мумкинки, кластерлар муайян географик маконда (туман, шаҳар, вилоят, минтақа, мамлакат) вужудга келади (1-расм).

³³ agroperspektiva.com.ua



1-расм. Кластерлаш мезонлари ва кластерларнинг туркумланиши

Манба: Халқаро амалиёт ва миллий тажрибани ўрганиш асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Биз назарий тадқиқ қилган манбаларда келтирилган таърифлар ва тавсифларни умумлаштириш ва туркумлаш асосида агрокластер тушунчасига нисбатан қуйидаги дастлабки таърифни шакллантирамиз:

Умумий ҳолда агрокластер – бу умумий мувофиқлаштирувчи марказга эга, ихтиёрий ва фаолиятларини ўзаро манфаатдорлик принципи асосида уйғунлаштирадиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспорт-логистика, консалтинг ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатувчи корхона ҳамда ташкилотларнинг симбиози.

Агрокластернинг мустақил иштирокчиларига ишлаб чиқарувчилар, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, харидорлар ва буюртмачилар, давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва таълим муассасалари ва бошқалар киритилиши зарур. Шунингдек, кластерни барқарор ривожлантириш учун салоҳиятли иштирокчиларни тарғиб қилиш ва мотивлаш, умумий стратегияни, дастлабки ва стратегик лойиҳаларни ва ўз-ўзини тартибга солиш босқичларини ишлаб

чиқиши зарурлигига амин бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган 2022 йил ва 2023 йил бошига умумлаштирилган маълумотларга қўра республика бўйича жами 161 та ғаллачилик кластери мавжуд бўлиб, уларга бириктирилган ер майдони – 107 251 га (жами ғалла майдони 879 385 га), етиштирилган ғалла – 505 319 т. (жами ғалла 3 834 475 т.), ҳосилдорлиги – 47,1 ц/га (ўртача 43,6 ц/га), яратилган иш ўрни – 20 818 тани ташкил этиб, 2022 йилда амалга оширилган экспорт атиги 2 991,0 минг долларни ташкил этган. 2023 йилда ғаллачилик кластерлари сони, бириктирилган ер майдони, ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик вилоятлар кесимида мос равишда қўйидагича: Қорақалпоғистон Республикаси – 10 та, 2 135 га, 3 077 т., 14 ц/га; Андижон вилояти – 7 та, 1 316 га, 1 275 т., 10 ц/га; Бухоро вилояти – 11 та, 2 534 га, 6 946 т., 25 ц/га; Жиззах вилояти – 9 та, 4 882 га, 13 592 т., 28 ц/га; Қашқадарё вилояти – 24 та, 15 416 га, 50 277 т., 33 ц/га; Наманган вилояти – 11 та, 20 800 га, 166 171 т., 80 ц/га; Самарқанд вилояти – 18 та, 2 676 га, 10 704 т., 40 ц/га; Сурхондарё вилояти – 11 та, 16 846 га, 50 531 т., 30 ц/га; Сирдарё вилояти – 12 та, 16 000 га, 13 150 т., 78 ц/га; Тошкент вилояти – 9 та, 20 785 га, 159 674 т., 77 ц/га; Фарғона вилояти – 30 та, 3 711 га, 28 834 т., 78 ц/га; Хоразм вилояти – 4 та, 150 га, 1 088 т., 73 ц/га (1-жадвал).

Лекин, дастлабки кузатув натижалари шуни кўрсатдики, ташкил этилаётган ғаллачилик кластерларининг аксарияти, кластер мезонларига тўлиқ жавоб бермайди.

Шундай қилиб, монографик кузатувлар ва бирламчи таҳлилларга таяниб, ғаллачилик кластерларини шартли равишда қўйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

1. Муваффақиятли ишилаётган ғаллачилик кластерлари. Улар юқори даражадаги молиявий барқарорликка эришилган, асосий тармоқ каби, ёndoш ишлаб чиқаришлар ва ихтисослашган хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари билан мукаммал даражада уйғунлашган, соғлом ички рақобат ва ҳамкорлик таъминланган, жаҳон даражасидаги илмий-тадқиқот ва инновацион имкониятларга эришилган, кластер ичida жамоавий лойиҳалар ва тармоқлараро корхоналар фаолияти доирасида самарали ўзаро иқтисодий муносабатлар ўрнатиласан.

2. Барқарор ривожланаётган ғаллачилик кластерлари. Ғаллачилик кластери таркибидаги барча корхоналарнинг ва ички ўзаро иқтисодий муносабатларнинг ижобий динамикаси кузатилади, аммо жорий молиявий ҳолат ҳали ушбу фаолиятда доимий ва сезиларли даражадаги даромад кўришни тўлиқ таъминламаган.

3. Нобарқарор ривожланаётган ғаллачилик кластерлари. Ушбу гуруҳга ғаллачилик кластери таркибидаги айрим корхоналар барқарор ривожланиб, айримлари иқтисодий начор аҳволда бўлиши ва тизим ичida мустаҳкам муносабатлар йўлга қўйилмаганлиги хосдир. Аммо, улар бартараф этилса, бундай тоифа кластерларни барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқиши учун афзалликлар намоён бўлади.

4. Расмиятчиликка асосланган (соҳта, сунъий тузилган) ғаллачилик кластерлари. МЧЖ шаклида ташкил этилган кластер тузилмасининг бошқа иштирокчи-корхоналар устидан ҳукмронлик элементлари намоён бўлиб, бу шартномалар тузишда бир томонламалик, ишлаб чиқарувчи корхоналар (фермер, дехқон ва б.) манфаатларининг камситилиши, пул маблағларининг вақтида тўлаб берилмаслиги ва бошқа адолатсиз иқтисодий муносабатларда ифодаланади. Бундай ғаллачилик кластерлари, кўпинча расмиятчилик учун, номига тузилиб, минтақа (худуд)нинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминламайди.

Ўзлари жойлашган минтақа (худуд) иқтисодиётiga уйғунлашган ва кластерлар барқарор ривожланишининг жаҳон тажрибасини ўрганиш, уларнинг иштирокчилари ҳисобланган хўжалик субъектлари ва бутун минтақа (худуд) учун афзалликларини аниқлашга имкон берди (2-жадвал).

1-жадвал

Республикада 2023 йилда фаолият юритаётган ғаллачилик кластерлар тўғрисида маълумот

№	Худудлар номи	Кластерлар сони	Биринчирилган ер майдони, гектар	Кластерда, гектар	шундан		2023 йилда етиштириладиган бошқали дон, тонна	шундан, (тонна)		Кластерлар томонидан	Фермер хўжаликлари томонидан	ўртача хосилдорлик, ҹ/га	Кластерларда, ҹ/га	Фермер хўжаликларида, ҹ/га	Яратилган иш ўрни нафар	2022 йилда амалга оширилган экспорт минг долл.
					Сони	Майдони, гектар		шундан, (тонна)	Кластерлар томонидан							
	Республика бўйича	161	879 385	107 251	37 313	772 134	3 834 475	505 319	3 329 155	43,6	47,1	43,1	20 818	2 991		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	10	23 600	2 135	991	21 465	33 660	3 077	30 583	14,3	14,4	14,2	196			
2	Андижон	7	35 964	1 316	1 428	34 648	92 184	1 275	90 909	25,6	9,7	26,2				
3	Бухоро	11	57 381	2 534	2 917	54 847	143 518	6 946	136 571	25,0	27,4	24,9				
4	Жиззах	9	70 925	4 882	2 157	66 043	197 447	13 592	183 855	27,8	27,8	27,8	1 293			
5	Қашқадарё	24	137 370	15 416	6 487	121 953	453 442	50 277	403 165	33,0	32,6	33,1	5 103	2 971		
6	Навоий	5	42 775		8 595	42 775	75 178		75 178	17,6		17,6	85			
7	Наманган	11	66 375	20 800	1 593	45 575	530 999	166 171	364 828	80,0	79,9	80,0	1 951			
8	Самарқанд	18	94 230	2 676	4 291	91 554	376 920	10 704	366 216	40,0	40,0	40,0	261			
9	Сурхондарё	11	82 954	16 846	1 964	66 108	267 660	50 531	217 129	32,3	30,0	32,8	9 971	20		
10	Сирдарё	12	73 000	16 000	1 919	57 000	162 206	13 150	149 056	22,2	8,2	26,2	1 825			
11	Тошкент	9	89 581	20 785	1 950	68 796	692 618	159 674	532 944	77,3	76,8	77,5	133			
12	Фарғона	30	92 981	3 711	2 570	89 269	719 154	28 834	690 319	77,3	77,7	77,3				
13	Хоразм	4	12 250	150	451	12 100	89 489	1 088	88 401	73,1	72,5	73,1				

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Монографик кузатишлар натижасида ғаллачилик кластерини ташкил этиш жараёнига тўсқинлик қилувчи қуидаги муаммолар аниқланди:

- ғаллачилик кластерининг иштирокчи-корхоналари, ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликлар, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосланганлиги ва уйғунлашганлиги паст даражада;

- асосий ишлаб чиқариш воситалари эскирган, замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ва технологиялари, хусусан хом-ашёни чуқур қайта ишлаш учун инновацион технологиялар етишмайди;

2-жадвал

Минтақа (худуд) миқёсида ғаллачилик қуий тармоғини кластерлашнинг иқтисодиёт субъектлари учун афзаликлари

Минтақа иқтисодиётининг асосий субъектлари		
Маҳаллий ҳокимият учун	Ишлаб чиқарувчилар учун	Истеъмолчилар учун
Барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши	Корхонанинг бозордаги улушкини ошириш	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сифати ва истеъмол хоссаларининг ошиши
Бюджетга, хусусан маҳаллий бюджетга солиқ тушумларининг ўсиши	Сифатли ва самарали инфраструктура шаклланиши	Инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиб олиш имкониятининг яратилиши
Ишлаб чиқарувчилар билан алоқа ўрнатиш учун қулайлик яралиши	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш харажатларининг пасайтирилиши	Маҳсулот (иш, хизмат)лар хариди баҳосининг пасайтирилиши
Ишсизлик даражасининг пасайтирилиши	Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг юқори рақобатбардошлиги ва халқаро бозорга чиқиш имкониятлари	Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни харид қилиш имкониятлари
Хом ашё ишлаб чиқаришдан саноатлашишга томон иқтисодий ривожланишини диверсификациялаш	Кластер муносабатлари иштирокчиларининг шахсий манфаатдорлиги ва ташаббускорлигининг ўсиши	-
Қолоқ минтақалар фаоллигини ошириб борилиши	Ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий этишнинг кучайиши	-
Маҳсулот(иш, хизмат)лар экспортининг ошиши	Давлат томонидан инвестициялар ажратилиши	-
Давлатнинг халқаро миқёсда обрўсини ошириш	Кичик, ўрта ва йирик бизнеснинг самарали ҳамкорлиги	-

- инвестициялар жалб этиш ва инновацияларни жорий қилиш учун ўз маблағлари етишмаслиги, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

- малакали кадрлар етишмаслиги ва уларни моддий рағбатлантириш тизимининг ривожланмаганлиги ва ҳ.к.

Шундай қилиб, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инновацион кластерларнинг ролини ҳам алоҳида эътиборга олишимиз зарур. Шунинг учун ҳам, мутасадди маҳаллий давлат органлари инновацион кластерларни ташкил этиш ва ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиши ҳамда улар орасидаги ўзаро

муносабатлар яхши йўлга қўйилишига қўмаклашиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлашимиз жоизки, кластер тушунчаси, унинг хуқуқий мақоми ва фаолият мезонлари ҳозирча қонунчилик билан тўлиқ қамраб олинмаган, шу боисдан, ташкилий-услубий таъминоти ҳам, қийинчиликлар ва муаммолар билан шаклланмоқда. Шунга қарамасдан, мамлакатимизнинг айрим рақобатбардош тармоқларида, масалан, пахта-тўқимачилик кластерлари, кластерлашнинг жаҳон тажрибасидан фаол фойдаланмоқда. Аммо, биз монографик тадқиқотлар олиб бораётган ғаллачилик қўйи тармоғини бундай тармоқлар қаторига киритиш ҳали эрта.

Ташқи муҳит тез ўзгараётган шароитда янгича ижтимоий-иқтисодий тизимларни яратишнинг объектив қонунлари, шунингдек аграр соҳада хукм суроётган муаммолар, унинг қўйи тармоқларини, хусусан ғаллачилик қўйи тармоғини такомиллаштириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг дастаклари ҳамда механизмларини ишлаб чиқишини талаб этмоқда. Мамлакатимиз минтақалари ўртасида ўз ҳудудларига инвестициялар жалб қилиш имкониятлари учун рақобат муҳити вужудга келиб, албатта бу ғаллачилик кластерлари ўртасида ҳам, рақобатнинг кучайишига олиб келади. Айнан ғаллачилик кластерларини ташкил этиш, уларнинг норматив-хуқуқий таъминоти ва ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш мазкур қўйи тармоқ ва минтақа (худуд) ичida ҳамда минтақа (худуд)ларо ҳамкорликни ривожлантиради. Чунки, ғаллачилик кластерлари агробизнес учун узоқ муддатли истиқболда соғлом рақобатга асосланган тадбиркорликнинг кафолати ҳисобланади. Натижада, аграр соҳанинг ғаллачилик қўйи тармоғини модернизациялашда кластер ёндашуви туман, минтақа (худуд) ва бутун мамлакат миқёсида юқори самарадорликни таъминлаши мумкин.

Шунингдек, замонавий рақамли технологияларни қўллаш, инновацион ёндашувлар, давлат-хусусий шериклиги салоҳияти ва принципларидан самарли фойдаланиш, ҳамда ғаллачилик кластери таркибидаги тузилмалар ўртасида иқтисодий муносабатларни оқилона йўлга қўйиш, аграр соҳа бошқарувида горизонтал ва вертикал интеграциялашувни мустаҳкамлаш ёрдамида юқори рақобатбардошликка эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантиришда кластерлаш технологияларини қўллаш имкониятларини баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таъкидлаш жоизки, ғаллачилик кластерларини ташкил этишга тизимили ёндашув ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув ғаллачилик кластерларининг мақбул тузилмасини аниқлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш ҳамда уларнинг истиқболдаги фаолиятини баҳолаш имконини беради.

Фикримиз далили сифатида минтақавий ва ҳудудий ғаллачилик кластерларини ташкил этишнинг кўп босқичли алгоритмини тақдим этамиз.

Биринчи босқичда ғаллачилик қўйи тармоғининг ҳар хил даражада – аввало мамлакат миқёсида ва тегишли минтақа даражасидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти баҳоланади. Ғаллачилик қўйи тармоғининг минтақадаги рақобатлашув устунликларини аниқлаш, уни кластерлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида дастлабки хулоса шакллантиришга асос бўлди.

Иккинчи босқич минтақада аграр соҳани ривожлантиришнинг умумий тенденцияларини ва унда ғаллачилик қўйи тармоғининг ўрнини таҳлил қилиш ишларини ўз ичига олади. Аграр соҳада ғаллачилик қўйи тармоғи ишлаб чиқаришни узоқ муддатли барқарор ривожлантириш ёки маълум шароитларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарорлиги, юқори рентабеллик, мамлакатнинг бошқа минтақалари ва экспортга маҳсулот сотиш ҳамда янги иш ўринларини яратишни таъминласа, демак уни кластерлаш мақсадга мувофиқ ва истиқболли ҳисобланади.

Учинчи босқичда ғаллачилик қўйи тармоғи ва унга ёндаш тармоқлардаги етакчи

рақобатбардош корхоналар аниқланади. Бунда ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш учун миқдор кўрсаткичлари каби (ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, экспорт қилинган маҳсулотлар, моддий-техник ресурслар, меҳнатга яроқли аҳоли ва б.), миқдор кўрсаткичлари (қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлиги, маҳсулотлар ассортименти ва б.) ҳам инобатга олиниши лозим.

Умуман кластернинг, хусусан ғаллачилик кластерининг ҳам, бошқа ишлаб чиқариш бирлашмаларидан муҳим фарқли жиҳати, бу тизимдаги иштирокчи-корхоналар ўртасида рақобатлашув мавжудлигидир. Шунинг учун умумий рақобат майдонида корхоналарнинг битта кластерга тегишлилиги муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, корхоналарнинг битта кластерга тегишлилиги, улар учун умумий бўлган инфратузилма объектларидан фойдаланиши, манфаатларининг умумийлиги ва ўзаро манфаатдор ҳамкорлиги, илмий тадқиқотларнинг ҳамкорликда олиб борилиши, маҳсус кадрларнинг битта манбада тайёрланиши ҳамда битта илмий-инновацион марказ томонидан хизмат кўрсатилишидан иборат.

Тўртинчи босқичда ғаллачилик кластерининг ядросини ташкил этувчи корхоналарнинг горизонталь ва вертикаль ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади. Ушбу таҳлилнинг асосий мақсади ғаллачилик кластери ташкил этиладиган худуднинг чегараларини ва иштирокчи-корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамлигини аниқлаш заруратидан иборат.

Бешинчи босқичга доир тадбирларни амалга ошириш чоғида харитада ғаллачилик кластерининг ҳақиқий чегаралари белгиланади. Ғаллачилик кластерининг ҳудудий (географик) тасвири нафақат жойлашган ҳудуд, балки унинг моддий-техник ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши тўғрисидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Олтинчи босқич SWOT-таҳлилидан иборат бўлиб, ғаллачилик кластерининг рақобат муҳитидаги афзалликлари ва камчиликларини ифодалайди. Бу эса, ўз навбатида, аниқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун имкониятлар яратади.

Якунловчи, еттинчи босқич минтаقا (худуд)да ғаллачилик кластерини ривожлантириш стратегияси ҳамда тактикасини амалга ошириш чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ўз ичига олади.

Республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг мутасаддилари ғаллачилик кластерини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ишларини тизимли ташкил этишлари лозим. Чунки, бу тизимли-мажмули ёндашув талаб этадиган мураккаб ва ўзига хос жараён бўлиб, самарали фаолият кўрсатиши нафақат минтақада ва бутун мамлакат миқёсида иқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлайди, балки озиқ-овқат хавфсизлигини бартараф этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, яширин иқтисодиёт ва коррупциянинг олдини олиш, аграр бозор иштирокчиларининг ўртасида даромадларни адолатли тақсимлашга ҳам ёрдам беради.

Шунингдек, минтақавий ғаллачилик кластерларини ташкил этиш ҳамда барқарор ривожлантириш қуйидаги муҳим қоидаларга асосланиши лозим:

- ғаллачилик қуи тармоғини техник ва технологик қайта қуроллантириш асосларини тайёрлаш;
- инвестициялар жалб қилиш имкониятларини аниқлаш ва асослаш;
- ишлаб чиқариш технологияларига инновациялар жалб қилишни фаоллаштириш ва уларни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш;
- тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш;
- ғаллачилик кластерларини маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватлаш, хусусан давлат томонидан тартибга солиб туриш ёки бевосита иштирок этиш орқали.

Ғаллачилик кластерининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда инфратузилма ташкилотлари ва асосий иштирокчи-корхоналарни, ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликлар, жумладан сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарини

жойлаштириш ҳамда меңнат ресурслари таъминоти муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар/ Литература/ Reference:

- Feldman, V.P., Audretsch D.B. (1999) *Innovation in Cities: Science based Diversity, Specialization and Localized Competition* // European Economic Review. - № 43. - P. 31-39.
- Ketels, Ch. (2013) «Recent Research on Competitiveness and Clusters: What Are the Implications for Regional Policy?» Cambridge Journal of Regions, Economy and Society.
- Marshall A. (1980) *Principles of Economics*, London: Macmillan.
- Айтимбетов А.К. (2023) Балиқчилик тармоғи самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш. и.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент. 58 б.
- Балашова, Н. (2004) *Формирование кластера по производству и переработке нута / Н. Балашова // АПК: экономика и управление. - № 10. - С. 38-41.*
- Доржиева, Е.В. (2011) *Формирование агропромышленных кластеров как условие инновационного развития региональных систем / Е. В. Доржиева // Известия ИГЭА. - № 4 (78). - С. 64-69.*
- Егорова И.Е., Николаев М.В. (2006) *Методические аспекты формирования кластеров в региональной экономике / И.Е. Егорова, М.В. Николаев // Основные направления исследований ЯФ НП «Алмасная Палата России»: Сб. ст. - Якутск: Изд-во ЯГУ, - С. 16-24.*
- Кенжегузин, М.Б., Днишев, Ф.М., Альжанова, Ф.Г. (2005) *Наука и инновации в рыночной экономике: мировой опыт и Казахстан. - Алматы, ИЭ МОН РК, 256 с.*
- Мигранян, А.А. (2002) *Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров. // Вестник КРСУ. - № 3.*
- Мирзиёев Ш.М. (2021) Ш.М. Мирзиёев раислигига 2021 йил 27 октябрь куни қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор итиғилишидаги нутқи, <https://daryo.uz/k/2021/10/27/>
- Митенев, В.В., Гулый, И.М. *Теоретико-методологические основы кластерных систем. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://journal.vscu.ac.ru/php/jou/36/art36_03.php*
- Печаткин, В.В., Гаймалова, С.М. (2009) *Теоретические и практические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров в регионах России. Евразийский международный научно-аналитический журнал, Проблемы современной экономики, №3(31), [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=2785>*
- Портер М. (1993) *Международная конкуренция: пер. с англ. / М. Портер; ред. и пред. В.Д. Щетинина. -М.: Международные отношения, - 896 с.*
- Райзберг Б.А., Лазовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. (2010) *Современный экономический словарь. Издатель-во: Инфра-М, - 512 с.*
- Рахматов М.А., Зарипов Б. (2018) *Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. «Zamin Nashr», Тошкент, -Б.9.*
- Розиқов Жаҳонгир Мустақим ўғли. (2023) *Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқариши тажомиллаштириш. и.ф.ф.д(PhD) диссертацияси автореферати, -Тошкент. - 50 б.*
- Сердобинцев, Д.В., Съемщикова, Е.В., Алешина, Е.А. (2012) *Развитие механизма агропромышленной интеграции в направлении кластеризации на основе частно-государственного партнерства / Д.В. Сердобинцев, Е.В. Съемщикова, Е.А. Алешина // Вестник Саратовского госагроуниверситета им. Н.И. Вавилова. - № 06. - С. 80-85.*
- Файзиев О.Р. (2022) *Мойли экинлар маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлиш ташкилий-иктисодий асосларини тажомиллаштириш. и.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент. -56 б.*